



(Давоми иккинчи бетда)



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИ МАМЛАКАТГА 545 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА СОТДИЛАР. ШУНИНГ 368 МИНГ ТОННАСИ ИПАК ПАХТАДИР.

ЯКУНЛАР ВА РЕЖАЛАР

Н. ТУРОПОВ,

Сурхондарё область халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси

БАРЧА совет кишилари қатори Сурхондарё областининг меҳнаткашлари ҳам партия XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь ҳамда 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини изчиллик билан турмушга татбиқ этмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ер юзиде тинчликни сақлаб қолсин, ядро ҳалокатининг олдини олиш соҳасидаги фаолиятини яқинда мустақамлаш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида жасорат ва матонат намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Область партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачиликни интенсив ривожлантиришга партия ва ҳукуматимиз кўрсатиб келаётган доимий оталарга раҳм-қўрқатинга жавобан зўр жасорат билан меҳнат қилишди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш тобора кўпаймоқда, аҳолининг моддий, маънавий ва маданий фаровонлиги йилдан йилга яхшиланмоқда.

Коллектив пудрат, алмашлаб экиш участкаларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, Озқ-овқат программасини ҳал қилиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Партиясининг янги аграр сиёсатини турмушга татбиқ этишда катта қўлайликлар яратди. Ер-сув, қишлоқ хўжалик техникаси, минерал ўғитлар ва ишчи кучларидан фойдаланиш самарадорлиги ошди. Бригадалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига ёрдам бериш, иш тақрибасини кенг ўртоқлаш, мустақам меҳнат ва ижорчилик интизоми таркиб топди. Ишлаб чиқариш новаторларининг прогрессив методлари, илмий-техника тараққиёти илчил ва дид қўлланаларидан фойдаланиш кўпайди. Алмашлаб экиш участкаларида цех партия, касба союзи, комсомол ташкилотларининг тузиллиши билан соҳапартия мусобақанинг таъсирчанлиги ва ошқоралиги янада кўпайди, оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари яхшиланди. Бу эса меҳнат уюмдорлигини бекиб кўтариб, меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтирди. Натижада меҳнат самарадорлиги ўсди.

Сурхон воҳасининг лафзи ҳалол деҳқонлари бу йил рўй берган табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, мўл пахта ҳосили етиштиришга муваффақ бўлдилар. ОНА-Ванга пахта етказиб бериш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбурият адо этилди. Давлат оморларига 545 минг тоннадан зиёд Сурхон дивернинг «оқ олтин»и тўқилди. Тайёрланган пахтанинг 80 процентдан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди. Шу нарса қувончлики, тўқимачилик саноати учун энг қимматбахом хом ашё ҳисобланган ингичка толали пахта тайёрлаш мажбурияти ҳам ортиғи билан бажарилди. 368 минг тонна шундай нава пахта дастлабки қайта ишлашга жўнатиildi. Шундай қилиб, ингичка толали пахта етиштириш бўйича 1985 йилга мўлжалланган программа муваффақиятли ҳал этилди.

Бу улкан галабага ипак пахта тайёрлаш мажбуриятларини ошириб бажарган Ленин йўли, Шеробод, Ангор, Термиз ва Шўрчи районларининг пахтакорлари салмоқли ҳисса қўйдилар. Шунингдек, Гагарин, Жарқўрган, Қўмқўрган районларида ҳам ингичка толали пахта тайёрлаш план-топириқлари муваффақиятли удаланди.

Областимизда хўжалик ҳисобидан 554 та алмашлаб экиш участкаси яхши фаолият кўрсатди. Коллектив пудрат ва алмашлаб экиш участкаларини, ички хўжалик ҳисобини дастлаб жорий қилган Ленин йўли райони меҳнаткашлари бу йил ҳам областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини анча ошириб удаладилар. Улар ҳар гектар майдондан 42 центнердан юқори қондицияли пахта йиғиштириб олдilar. Бу планидан 10 минг тонна кўпроқ. Ўтган йил район соҳапартия янги ГОСТ ва хариб нархларига ўтиб, 19,8 миллион сўм фойда қўрган бўлса, бу йилги мавсумда ундан 10 миллион сўм қўп фойда олдilar.

Область қишлоқ меҳнатчилари давлатга галла, мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум, туҳмун, жун, йилла сотиш плавларини ортиғи билан адо этилди. Ўтган йилдаги нисбатан гўшт, сут тайёрлаш анча кўпайди.

Қишлоқ коммунистлари пахтакорларнинг фидокорона меҳнатига бош-қош бўлиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Кишиларини жанговар ишларга қорлаб, социалистик

тик мусобақанинг таъсирчанлиги ва ошқоралигини таъминладилар. Қўмқўрган районидagi «Қизил Октябрь» колхозидан бригада бошлиқлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари А. Хўжаназаров ва Х. Мухторов, Ленин йўли районидagi Будённый номили совхоз бригад бошлиқлари, СССР Давлат мукофоти лауреатлари Х. Сафаров ва М. Бегимқўлова, Ангор районидagi «Коммунизм» колхозининг бригадлари В. Журакулов ва Қўлаб бошқа ўртоқлар бошлиқ коллективлар — «Хар қандай об-ҳаво шароитида ҳам план ва мажбуриятларни бажарамиз!» деган шпор остида меҳнат қилиб, бошқаларни ҳам юксак чўққиларга йлқомлатиридилар.

Областда ингичка толали пахта етиштириш ташаббускорларининг кўпайиб бораётганлиги аниқсқа қувончлидир. Чунки бу нава пахта тўқимачилик саноати учун қимматбахом хом ашё бўлибгина қолмай, уни етиштиратган заршунослар учун ҳам катта моддий манфаатдорлик манбаидир. Хозир областнинг Термиз ва Ангор районлари хўжалиқлари фақат ипак пахта етиштиришди. Жарқўрган, Ленин йўли, Шеробод ва Гагарин, Қўмқўрган районларида эса умумий майдоннинг 75—80 процентиди шундай нава пахта етиштиришга қўйилди. Областининг шимолли — Денов, Шўрчи ва Сарисий районлари колхоз ва совхозларида ҳам қарийб 30 процент майдонини ипак пахта эгаллади. Шўрчи райони хўжалиқлари ипак пахта етиштириш топириқини қарийб икки баравар бажариб, янги ҳосилининг 25 процентини ингичка толали пахта ҳисобига тайёрладилар.

Областдаги кўпгина хўжаликлар «оқ олтин»дан баракали хирмон кўтариш билан йилги муваффақиятли якунлаштилар. Ленин номили, Будённый номили, «Шеробод», «Сурхон», «Коммунизм», «Толлармон», «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозлари, Қўмқўрган районидagi «Москва», Ангор районидagi Қўйишев номили, «Қизил Юлдуз», Термиз районидagi Жданов номили, «Октябрь 40 йиллиги», Жарқўрган районидagi «Социализм», «Партия XXII съезди», Сарисий районидagi Охунбобоев номили, Карл Маркс номили, Шўрчи районидagi «Партия XXIII съезди», «Коммуна» колхозлари ва бошқа кўлаб хўжаликлар ҳозиргача ҳар гектар майдондан 35—45 центнердан ва ундан ҳам кўп «оқ олтин» териб топиридилар.

Бу йилги йиғим-теримнинг қийинчиликлари фақатгина қишлоқ меҳнатчиларидан эмас, балки областнинг барча меҳнатга қўйилган аҳолисида ҳам қаҳрамонлик, сабот-матонат намуналарини кўрсатиши тақозо этди. Уларнинг ҳаммаси бу имтиҳондан муваффақиятли ўтдилар. Шаҳарлик ва район марказларидан келган ҳашарчилар, мактаб ўқувчилари, олий ва махсус ўрта ўқув юртинларининг студентлари пахтакорларнинг ҳақиқий мададорлари эканликларини теримда исбот этилди. Биз уларга миннатдорчилик билдира-миз.

Бу йилги йиғим-терим мавсуми янги ташкил этилган АПО ва РАПОлар учун ҳам жиддий синов бўлди. Улар бу синовдан яхши ўтдилар, мутахассислар йиғим-терим ишларини оператив тарзда ташкил этдилар. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли машина теримини кенг қўламда ўтказиш имконияти бўлмади. Шундай бўлса-да, «зангори кема»лар бункеридан 167 минг тонна, шу жумладан 120 минг тоннадан зиёд ингичка толали пахта тўқилди. Х. Сафаров, Ш. Ҳазратов, Х. Шаропов, Т. Жўраева каби ўнлаб дала гвардиячилари мавсумда 350-500 тонна пахтани бункерлардан тўқидилар. Ленин йўли ва Ангор районларининг механизаторлари машина терими планларини ошириб бажардилар.

Биз бу йилги мавсумда этак боғлаб далага чиққан ва ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган теримчиларга, кўпмингкилограммчи теримчиларга раҳматлар айта-миз. Минглаб чевар теримчилар областимизнинг хирмонига барака киритдилар, социалистик мажбуриятини бажаришга бебаҳо ҳисса қўйдилар.

Мажбурият бажарилди. Аммо, биз йилги якунлаётганимизда йўл қўйилган нуқсонлар ва камчиликларни унутмаслигимиз керак. Улар озмунча эмас. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган келгуси йилда янада кўпроқ ва сифатли пахта етиштиришимиз, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларини интенсив ривожлантиришимиз, меҳнат уюмдорлиги ва иш самарадорлигини янада оширишимиз, халқ хўжалиги барча тармоқларида техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиламоғимиз даркор. Область меҳнаткашлари партия ташкилотлари бошлиқлигида бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишларига шубҳа йўқ.

Ёзувчилар ён дафтаридан

ИПАК ПАХТА ДИЁРИДА

дузгаффор Хўжаназаров, Назрулла Маматқўлов, Абдусалим Нормуродов, Усмон Умидуллоев, Шайдулла Жўраев ва бошқалар бошлиқ бригадалар.

«Қизил Октябрь» колхоз-ида, ҳатто республикада ҳосилдорлигининг ошсини юзасидан энг илгор хўжаликлардан бири. Кейинги йилларда сурункасига бу хўжалик пахта топириш планини биринчилардан бўлиб бажаради. Бу йилги мавсумда ҳам яхши кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Сентиблининг биринчи ўн кунлигида республика-миз партия ва ҳукумати-нинг, иккинчи ўн кунлиги-да област, учинчи ўн кун-лигида районнинг кўча тўқилмади. Ҳамма бир тан-бири жон бўлиб, юқори ҳо-сил — ҳар гектардан 55 центнердан «оқ олтин» олиш учун кундузи кечага улаб меҳнат қилишди.

Меҳнаткашларни ёлпасига йиғим-терим кампаниясига сафарбар қила олган партия ташкилотли хўжаликда сиёсий-тарбиявий ишни на-



КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТ АСОСИДА

Шуни қувонч билан ай-тиш кераки, қишлоқ хўжа-лигини янада интенсив рив-ожлантиришда алмашлаб экиш участкалари ташкил қилиш ва коллектив пудрат-ни кенг жорий этиш ҳал қи-лувчи роль ўйнади. Энди-ликда қишлоқ хўжалик тех-никаси, маҳаллий ва мине-рал ўғитлар, сув ва ишчи кучидан фойдаланиш сама-радорлиги янада ошди. Иш-лаб чиқариш новаторлари-нинг прогрессив методлари, илмий тақриблар, фан-тех-ника тараққиёти дадил ва кенг қўламда қўлланилади-ган бўлди.

Хўжалигимиз бир неча йиллардан бери қимматбахом ингичка толали пахта ети-штириш келмоқда. Колхозимиз аъзолари ўтган йили давлат-га 7465 тонна пахта сотиб, гектарлар ҳосилдорлигини 51,2 центнерга етказдилар. 9,2 миллион сўм даромад олди. Соф фойда 3 милли-он 280 минг сўмни ташкил этди. Бу йил эса ҳар гек-тар майдондан 52 центнер-дан хирмон кўтариб, ўн би-ринчи беш йилликка белги-ланган топириқни уч йилда бажарди.

Социалистик Меҳнат Қа-ҳрамонлари Х. Мухторов, А. Хўжаназаров, олтинчи цент-нерчи бригадалар Н. Мамат-қўлов, У. Умидуллоев бош-лиқ коллективларнинг аъзо-лари — ҳозиргача ҳар гек-тар майдондан 55—65 цент-нердан ва ундан ҳам зиёд ипак пахта териб олдilar.

Мен раҳбар бўлган ал-машлаб экиш участкасининг ишлар ҳақида икки озиз га-пириб ўтмоқчиман. Брига-даларимизнинг ҳаммаси ях-ши натижаларга эришдилар. Ҳар гектар ердан 50 цент-нердан ошириб хирмон кў-таришди.

Янги йил мўл ҳосилига пухта ва мустақам замин яратиш ишларини ҳам жа-дал бошлаб юбордик.

М. РАҲИМОВ,
Қўмқўрган районидagi «Қизил Октябрь» колхоз-ининг алмашлаб экиш участкаси бошлиғи.



МИСҚОЛИ ЗАРГА ТЕНГ

Сурхон воҳаси пахта уста-ларининг улкан меҳнат муваф-фақияти «оқ олтин» дийри — республикамиз меҳнаткаш-ларини беҳад қувонтириб юбор-ди. Сурхондарёнинг аҳлига вафодорлар бу йилги оғир та-биий шароитларга қармай, пахтадан, хусусан ипак пахта-дан рекорд ҳосил етишти-ришга эришдилар. Бу катта галаба майд, заҳматкан, би-лимдон, омиликор юзлаб, минг-лаб миришкорларнинг кеча-

Сўз-хўжалик раҳбарларига КЕЛГУСИ ҲОСИЛНИ ЎЙЛАБ

Совхозимиз деҳқонларининг жасоратли меҳнатлари туфай-ли «оқ олтин»дан юксак хир-мон яратилди. Бугунги кунга-ча давлат оморига 13440 тонна пахта топирилди. 3400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан қарийб 39 центнердан ҳосил олинди. Шунинг 800 тоннасида инчи-дини қимматбахом ингичка то-пали пахта ташкил этди. Пах-такорларимиз, механизатор-ларимиз ва ҳиммати баланд ҳашарчиларнинг тадбиркорли- билан қилган меҳнатлари эва-зига ана шундай катта хир-мон яратилди.

Совхозимиз сурункасига 2 йил пахта тайёрлаш планини бажаролмади. Пахта етишти-риш бўйича республикада та-нилган хўжаликнинг қоқликча-га тушиб қолган об-ҳаво ва район партия комитетларини ташвишга солди. Уларнинг амалий ва маънавий ёрдам-лари туфайли совхозимиз меҳнаткашлари ишни тўбдан яхшилашга эришдилар. Меҳ-натга ҳақ тўлашининг йилги фойдаси амалга оширилди.

Совхоз бўйича 13 та алмаш-лаб экиш участкаси тузилди. Уларга тақрибли пахтакор-лар бошлиқ этиб тайинланди. Ҳамма бригадаларда меҳнат-га нарядсиз ҳақ тўлашга ўтил-ди. Бригадаларнинг ҳар бир аъзоси коллектив муваффа-қиятидан манфаатдор эканли-гини англаган ҳолда самара-ли меҳнат қилди.

Районда биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллаган Ж.

Зулфиқоров етакчилик қила-ётган алмашлаб экиш участка-сида ҳосилдорлик 43 центнер-дан ошди.

Пахта йиғим-терими сов-хозимизда истиқомат қила-ётган ҳар бир кишининг асо-сий ишига айланди. Делалари-мизда ҳар кун 5 мингдан ортиқ киши йиғим-теримда иштирок этди. Совхоз дирек-цияси ва партия комитети участкалар, бригадалар, те-римчилар, механизаторлар, ҳашарчилар ўртасида соци-алистик мусобақани кенг йў-ла қўйди. Кўпмингкилограмм-чилар ҳаракатининг байроқ-дорлари Чиниқол Нурмоно-ва, Улдона Бердирова, Ой-тош Эшқабилева, Барно Бек-назарова, Ражабгул Набиева, Жамилла Бахромова, Хосият Абдурахмонова, Аширхон Тур-диев сингари юздан зиёд че-варларимиз мавсумда 12—14 тоннадан пахта териб, «оқ ол-тин» хирмонимизнинг тезроқ юксалишига катта улуш қў-шиди.

Совхоз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учин-чи йиллини барча соҳалар бў-йича қувончли натижалар бил-ан якунлаштиди. Давлатга гўшт, туҳмун, галла, сабзавот топириш йиллик планлари муддатидан олдин адо этилди. Келгуси йил ҳосилига ҳам пухта ҳозирлик кўрямиз.

Х. ЖУМАЕВ,
Денов районидagi Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхоз-и директори.

АЪЛО СИФАТ УЧУН

Областимиз юксак соци-алистик мажбуриятини муваф-фақиятли бажарган кунда шуни қувонч билан таъкид-лаймизки, колхозимиз заршу-нослари бу йил 1150 гектар майдонга ингичка толали пах-танинги юқори тип тола бера-диган янги, серҳосил «АШ-25» ва «Т-14» навлари чигитини экиб, ундан мўлқўл ҳосил етиштиридилар.

Юксак ушқоқлик билан олиб борилад. Маъсумининг биринчи куниндаки коллективлар ўр-тасида социалистик мусоба-ка қизғин тус олдириб юбо-риди. Мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланиб, голиблар моддий ва маъна-вий жиҳатдан рағбатлантирил-ди. Шу туфайли хўжалигимиз заршунослари ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтариб, давлат қабул пункт-ларига 3900 тонна аъло си-фатли ипак пахта етказиб бердилар. Ҳосилининг 1200 тоннасини уруғлик пахта таш-кил этди. Даромадимиз 1,5 ба-равар қўпайиб, 5 миллион сўмдан ошиб кетди.

Эришилган бу катта гала-бага Е. Тошқулов, У. Турсу-нов, У. Луқмонов, А. Каримов,

Э. Раҳмонов ва бошқа ўртоқ-лар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу лафз ҳалол заршунослар ҳозиргача гек-тардан 40—42 центнердан ипак пахта сотдилар.

Шуни мамнуният билан ай-тиш кераки, мўл ҳосил ети-тиришда барча механизатор-лар, кўпмингкилограммчи теримчиларимиз жонбоз-лик кўрсатиб меҳнат қилди-лар. Биз уларнинг номларини фазр ва ифтихор билан тил-га олиб, ипак пахта усталари дейлик. Х. Оллонова, А. Рус-тамова, З. Турдиева, М. Ша-рипова, Ж. Ҳамроева каби ўнлаб кўпмингкилограммчи ҳеварларимиз мавсум боши-дан бери 10—12 тоннадан ва ундан ҳам ошириб жавоҳир тердилар.

Долзарб даламлар К. Маркс номили, А. Навоий номили, Улғубек номили ва «Правда» газетаси номили мактабларини ўқитувчи ва ўқувчилари чина-камга жасорат кўрсатиб меҳ-нат қилдилар.

Ж. ИБРОҲИМЖОНОВ,
Термиз районидagi «Наму-на» колхози раиси.

МАШИНАЛАР ҚУДАРАТИ

фатли пахта теримда барчага ўрнат бўлди. Хўжалиқнинг бу йилги мавсумда ўз ағдига-ти бункердан тўқан пахтаси 340 тоннадан ошиб кетди. Су-ратларда: илгор механизатор

Х. Рустамов (юқориди). Улкан «оқ олтин» хирмонлари мана шундай миқсоли зарга тенг оппоқ пахталардан бўлиб эти-лади. (пастдаги сурат).

Э. Хўжаев (ЎТАГ) ва Т. Ҳамроқулов фотолари.

назар ташласангиз, катта воҳага қўзингиз тушади. Олисда илон эзи бўлиб кў-ринибатган қор-қора «тасма» — ағим Сурхон дарёси. У ҳар икки томонга оби ҳаёт бахшида этиб, юқор билан оқиб ўтпти. Балки, унинг меҳнатни ҳам юксалди. Чунки, у қанчадан қанча чўлу биёбонларга ҳаёт, бо-қий умр бахшида этди. Шунинг учун бўлса керак, Сурхон марғур оқмоқда. Унинг таърифи бери олам. Ўтмиш аълодорларимиздан тортиб, ҳозирги одамлари-мизгача ундан беҳад ми-натдор. Ана шу Сурхон жи-ловни ҳам жасоратли халқи-миз изамиз. У қанчалик пишиқирмасин, ўқирмасин, барбериб инсон олдида тиз чўкади. Инсон шунинг учун ҳам кучлини, у ҳамма нарсани ярата олади. У аҳд қилдим, дунинг улдасидан чиқади. Унинг сўзи билан иши бир. Бу сифатни у пахта йиғим-теримиди ҳам намоиш эта олди.

Жуманёз ШАРИПОВ,
Болажон СОДИҚОВ,
Шафбат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Қудрат Жўраев.

Мен совхозимизнинг ком-мунист Рузи Чоранбиев бошлиқ секциячи алмашлаб экиш участкасида меҳнат қи-ламан. Терим машиналаридан самарали ва унумли фойда-ланишни яхши ташкил этган-лигимиз натижасида алмаш-лаб экиш участкасига коллек-тив планини машинада те-риш планини октябрь ойи бошларидек ошириб удале-лади. Шундан бери неча кун сўнг хўжалигимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини ҳам бажардик. Ҳо-зиргача ҳар гектар майдон-дан 40 центнердан ингичка толали пахта хирмони кўта-ришга муваффақ бўлдик. Ян-ги ҳосилининг 80 процентдан кўпроғи «зангори кема»лар бункеридан тўқилди.

Областимиз заршунослари ўз сўзларининг устидан чиқ-қан бугунги шоданича кунлар-да ҳамкасб дўстларим М. Абдуллаев, А. Холёров, Ж. Қўлмевларнинг номларини фазр билан тилга оламиз. Улар мавсумда 130—160 тон-надан пахтани «пўлат этак»-лардан тўқидлар. Мен бун-керлардан 200 тонна «оқ ол-тин» бўшадим.

Р. ОРЗИЕВ,
Ангор районидagi «Тол-лармон» совхозининг меҳ-натчи-ҳайдовчиси.

